

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати 2025 йил январь-декабрь

- I. Ялпи ички маҳсулот
- II. Саноат ишлаб чиқариши
- III. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги
- IV. Инфляция даражаси ва истеъмол нархлари индекси
- V. Асосий капиталга инвестициялар
- VI. Бажарилган қурилиш ишлари
- VII. Чакана савдо товар айланмаси
- VIII. Ташқи савдо айланмаси
- IX. Кўрсатилган бозор хизматлари
- X. Корхона ва ташкилотлар сони



I. Ялпи ички маҳсулот

Дастлабки маълумотларга кўра, 2025 йилнинг январь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикасининг ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) ҳажми жорий нархларда **1 849 650,0** млрд сўмни ҳамда 2024 йилнинг мос даври билан таққослаганда реал ўсиш суръати **7,7 %** ни ташкил этди.

Саноат тармоғининг ўсиши **6,8 %** ни ва ЯИМ ўсишига ижобий ҳиссаси **1,7** фоиз пунктни (ф.п.) ташкил этди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигининг ўсиши **4,4 %** ни ва ЯИМ ўсишига ижобий ҳиссаси **0,8** ф.п.ни ташкил этди.

Қурилиш ишлари ҳажмининг ўсиши **14,0 %** ни ташкил этди. Қурилиш тармоғининг ЯИМ ўсишига ижобий ҳиссаси **1,0** ф.п.ни ташкил этди.

Хизматлар кўрсатиш соҳасида ўсиш суръати **8,5 %** ни ташкил этди. Шундан савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар **12,0 %** га, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа **14,5 %** га ҳамда бошқа хизмат соҳалари **5,4 %** га ўсди. Хизматлар кўрсатиш соҳасининг ЯИМ ўсишига ижобий ҳиссаси **3,9** ф.п.ни ташкил қилди.

Маҳсулотларга соф солиқлар ҳажми **7,4 %** га ўсди ва унинг ЯИМ ўсишига ижобий ҳиссаси **0,3** ф.п.ни ташкил этди.



II. Саноат ишлаб чиқариши

2025 йилнинг январь-декабрь ойларида республика корхоналари томонидан **1 101 130,8** млрд сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди ва саноат ишлаб чиқариши индекси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **106,8 %** ни ташкил этди.

Шу билан бирга, саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмида ишлаб чиқарадиган саноатнинг улуши **86,0 %**, тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш саноати **7,0 %**, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш **6,4 %**, сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш **0,6 %** ни ташкил этди.

Саноат ишлаб чиқариши ўсишининг асосий омили бу ишлаб чиқарадиган саноат корхоналарида ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **7,7 %** га, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашда **3,5 %** га, тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш саноатида **3,5 %** га, сув билан таъминлаш, канализация тизими, йиғиш ва утилизация қилиш саноатида физик ҳажм индекси **2,6 %** га ошганлигидир.

Қайта ишлаш саноати ҳажмларининг ўсишига тайёр маҳсулотларнинг бошқа турларини ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши (2024 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан **199,7 %**), шунингдек электр ускуналари ишлаб чиқарувчи корхоналардаги ўсиш (**120,4 %**) сезиларли таъсир кўрсатди.

Шу билан бирга, хом нефть ва табиий газ қазиб олиш корхоналарида (2024 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан **96,2 %**), ҳамда кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳасида (**92,5 %**) ишлаб чиқариш ҳажмларининг пасайиши кузатилди.



III. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги

2025 йилнинг январь-декабрь ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот(хизмат)лари ҳажми **538 919,7** млрд сўмни ёки 2024 йилнинг мос даврига нисбатан **104,4 %** ни, шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачиликда, овчиликда ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар – **518 822,7** млрд сўмни (**104,5 %**), ўрмон хўжалигида – **15 081,5** млрд сўмни (**103,2 %**), балиқчилик хўжалигида – **5 015,5** млрд сўмни (**103,2 %**) ташкил қилди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот(хизмат)лари ҳажмининг ошиши, асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳажмининг кўпайганлиги (**4,4 %**) билан боғлиқ. Барча тоифадаги хўжаликларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ошиши пахтанинг – **25,4 %** га, полизнинг – **16,2 %** га, донли экинларнинг – **13,0 %** га, узумнинг – **7,6 %** га, меваларнинг – **6,4 %** га ва тухумнинг – **7,0 %** га ошиши билан изоҳланади.

Хўжалик тоифалари бўйича таҳлиллар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмининг **62,3 %** и деҳқон ва томорқа хўжаликлари, **29,4 %** и фермер хўжаликлари, **8,3 %** и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи хўжалиklar ҳиссасига тўғри келишини кўрсатмоқда.



IV. Инфляция даражаси ва истеъмол нархлари индекси

2025 йилда республика истеъмол секторидаги инфляция даражаси **7,3 %** ни ташкил этди.

2025 йилда озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ўртача **5,4 %** га қимматлашиб, инфляция даражасига **2,5** ф.п. таъсир қилган бўлса, ноозиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ушбу даврда **5,1 %** га қимматлашиб, умумий кўрсаткичнинг **1,64** ф.п. ўсиш суръатини, хизматлар эса **13,9 %** га қимматлашиб, умумий кўрсаткични қўшимча **3,16** ф.п. ўсиш суръатини таъминлади.

2024 йилнинг декабрига нисбатан ИНИ юқори чегараси **117,1 %** (“Турар жой хизматлари, сув, электр, газ ва бошқа ёнилғи турлари”), қуйи чегараси – **99,7 %** га (“Суғурталаш ва молиявий хизматлар”) етди.

2025 йилнинг январь-декабрь ойлари учун ИНИ ўсишига энг катта таъсир бу “Озиқ-овқат маҳсулотлари ва спиртсиз ичимликлар”, “Турар жой хизматлари, сув, электр, газ ва бошқа ёнилғи турлари”, “Транспорт” бўлимларидаги нархлар ва тарифларнинг ўзгаришида бўлди (**+5,51** ф.п., ёки умумий ўсишнинг **75,5 %** и).

Бошқа бўлимлар нархларининг ўзгариши таъсири анча кам бўлиб, умумий ҳисобда **1,79** ф.п.ни ташкил этди.



V. Асосий капиталга инвестициялар

2025 йилнинг январь-декабрь ойларида, барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан асосий капиталга инвестициялар ҳажми **591 141,0** млрд сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати **110,5 %** ни ташкил этди.

Шу билан бирга, асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар умумий ҳажмида корхоналар маблағлари ҳисобидан ўзлаштирилган инвестициялар улуши **15,3 %** ни, Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги хорижий кредитлар – **5,5 %**, тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлар – **1,9 %**, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар – **65,9 %**, шундан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар

(ТТХИ) – **40,5 %**, аҳоли маблағлари – **6,3 %**, Республика бюджети – **4,7 %**, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси – **0,4 %** ни ташкил қилди.

Асосий капиталга инвестицияларнинг 2024 йилнинг мос даврига нисбатан юқори ўсиш суръатларини молиялаштиришнинг асосий манбалари: тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ТТХИ) – **146,9 %**, Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги хорижий кредитлар – **127,2 %**, тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар – **113,2 %**, аҳоли маблағлари – **106,2 %**, Республика бюджети – **105,8 %**, тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлар – **104,6 %**, корхоналар маблағлари – **100,8 %** дан иборат.

Молиялаштириш манбалари бўйича паст ўсиш суръатлари: Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси – **68,0 %** ва бошқа кафолатланмаган хорижий инвестиция ва кредитлар – **82,7 %** дан иборат.



VI. Бажарилган қурилиш ишлари

2025 йилнинг январь-декабрь ойларида **313 887,8** млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, 2024 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати **114,2 %** ни ташкил этди. Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг **82 960,9** млрд сўми ёки **26,4 %** йирик корхона ва ташкилотлар томонидан, **149 858,3** млрд сўми ёки **47,8 %** кичик корхоналар ва микрофирмалар томонидан, **81 068,6** млрд сўми ёки **25,8 %** норасмий сектор субъектлари томонидан бажарилди.



VII. Чакана савдо товар айланмаси

2025 йилнинг январь-декабрь ойларида чакана савдо товар айланмаси **482 443,1** млрд сўми ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **11,2 %** га ўсди.

Йирик корхоналарнинг чакана савдо товар айланмаси 2024 йилнинг январь-декабрь ойларида нисбатан **19,8 %** га ўсди, бу эса умумий савдо ҳажмининг **17,0 %** улушига тўғри келади. Кичик бизнес субъектларининг чакана товар айланмаси 2024 йилнинг январь-декабрь ойларида нисбатан **9,6 %** га ўсган. Республика миқёсида ушбу секторнинг жами чакана савдо товар айланмасидаги улуши **73,9 %** ни, уюлмаган савдо товар айланмаси **9,1 %** улуш билан **43 903,1** млрд сўми ташкил этди.



VIII. Ташқи савдо айланмаси

2025 йилнинг январь-декабрь ойлари якуни билан республиканинг ташқи савдо айланмаси **81 166,8** млн АҚШ долларини ташкил этиб, 2024 йилнинг мос даврига нисбатан **13 928,4** млн АҚШ долларига ёки **20,7 %** га кўпайди. Экспорт ҳажми **33 812,3** млн АҚШ долларига етди, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **24,0 %** га ошди. Импорт **47 354,5** млн АҚШ долларига етиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **18,5 %** га ошди.

Экспорт таркибида товарлар улуши **71,1 %** ни ташкил этди, шу жумладан бошқа маҳсулотлар (номонетар олтин) – **29,0 %**, саноат маҳсулотлари – **11,8 %**, озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар – **8,7 %**, кимёвий воситалар ва шунга ўхшаш маҳсулотлар – **6,3 %**.

Импорт таркибида асосий улушни машиналар ва транспорт ускуналари (**33,8 %**), саноат товарлари (**15,3 %**), шунингдек кимёвий моддалар ва уларга ўхшаш маҳсулотлар (**11,8 %**) ташкил этди.



IX. Кўрсатилган бозор хизматлари

2025 йилнинг январь-декабрь ойларида кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми **1 050 292,5** млрд сўми ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **14,7 %** га ўсди.

Кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажмининг ўсишига молиявий хизматларнинг **24,6 %** га (кўрсатилган умумий бозор хизматлари ҳажмининг ўсишидаги таъсири **4,0** ф.п.), савдо хизматлари **13,8 %** га (ўсишдаги таъсири **2,5** ф.п.), яшаш ва овқатланиш хизматлари **10,4 %** га (ўсишдаги таъсири **2,3** ф.п.), транспорт хизматлари **10,8 %** га (ўсишдаги таъсири **2,0** ф.п.), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари **22,7 %** га (ўсишдаги таъсири **1,5** ф.п.) ўсиши ижобий таъсир кўрсатди.

Норасмий ва яширин иқтисодий статистик баҳолаш бўйича ўтказилган кузатувлар натижаларини қўшган ҳолда кўрсатилган бозор хизматларининг энг катта ҳажми яшаш ва овқатланиш (**226 955,8** млрд сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати **110,4 %** га етди), савдо хизматлари (**186 957,3** млрд сўм, **113,8 %**), транспорт хизматлари (**188 270,8** млрд сўм, **110,8 %**) ва молиявий хизматлар (**171 867,0** млрд сўм, **124,6 %**)га тўғри келади.



Х. Корхона ва ташкилотлар сони

2026 йил 1 январь ҳолатига республикада фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг сони **474,9** мингтани (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари) ташкил этди, улардан кичик корхона ва микрофирмалар **403,8** мингта. Худудлар бўйича жойлашган энг кўп сони эса Тошкент шаҳри (**108 678** та), Тошкент (**46 479** та), Самарқанд (**41 091** та), Фарғона (**37 846** та), Қашқадарё (**30 424** та), Бухоро (**28 831** та) ва Наманган (**27 097** та) вилоятлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари кесимида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг энг кўп сони савдо соҳасида – **153 370** та, саноат соҳасида – **59 520** та, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги соҳасида – **34 881** та, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида – **30 374** ҳамда қурилиш соҳасида – **30 343** тани ташкил этди.

2025 йил январь-декабрь ойларида республикада **87,8** мингта корхоналар ва ташкилотлар янги ташкил этилди, шундан **82,4** мингтаси кичик корхона ва микрофирмалардир.

2026 йил 1 январь ҳолатига кўра республикада чет эл инвестициялари иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналар сони **18 164** тани ташкил этди. Уларнинг **4 247** таси қўшма корхоналар ва **13 917** таси хорижий корхоналардан иборат.

Тайёрлаш учун масъул:
Статистика маълумотларини
мувофиқлаштириш ва тарқатиш
бошқармаси

Манзил: 100170, Тошкент,
Мустақиллик шоҳ кўчаси, 63
Контактлар: info@stat.uz
Тел.: +998 71 203-80-00 (1045)

